



Хурматли абитуриент!

Аввало, Сизга мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасидан бизнинг **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали**ни танлаганингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Бизнинг жамоа ўз олдига замонавий билимларни эгаллаб, соҳанинг етук мутахассиси бўлишни ҳамда жонажон Ватанимиз равнақига хисса қўшишни ният қилган интилувчан ёшларга ўз мақсадларига етишишида уларни ҳар томонлама

қўллаб-қувватлайди ва бор имкониятларини сафарбар этади.

2020-2021 ўқув йилида **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали** кундузги, сиртки таълим шакллари бўйича 10 бакалаврият таълим йўналишларида **250** талабани қабул қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларнинг олий таълим олишлари учун яратилаётган шароитлар йилдан-йилга кенгайиб, инсон капиталига давлат томонидан жуда катта инвестиция киритилмоқда. Бундай ғамхўрлик натижасида талабалikka қабул қлинган ёшлар сони охириги уч йилда **уч баробарга** ортди. Жорий йилда абитуриентларнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш тўлиқ масофадан амалга оширилди. Бизнинг **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали** кириш учун **6156** абитуриент ҳужжатларини рўйхатдан ўтказдилар.

Бугунги кунда бутун жаҳонда кечаётган пандемия сабабли мамлакатимиз олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари муддатлари кечиктирилди. Бу аввало, Сиз - ёшларнинг саломатлигингизни ўйлаб, ўз билимингизни намоён қилиш учун қулай ва хавфсиз шарт-шароит яратиш мақсадида қилинди.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан кириш имтиҳонлари шаҳарлар ва вилоятлардаги марказий стадионларда, яъни очиқ майдонларда карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда **2020 йил сентябрь ойининг 2-санасидан бошлаб** ўтказилиши режалаштирилди. Касбий (ижодий) имтиҳонлар филиал биносида (Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Мовароуннаҳр 3А уй) **2020 йил сентябрь ойининг 4-санасидан бошлаб** ўтказилиши режалаштирилган.

Сиз **паспортингиз ва ДТМ рухсатномангиз билан** рухсатномада кўрсатилган манзилга белгиланган вақтда етиб келишингиз зарур. Эслатиб ўтамиз, ДТМ рухсатномаларини жорий йилнинг **22 августидан бошлаб ДТМ сайти (www.dtm.uz)**даги шахсий кабинетингиз орқали олишингиз мумкин! Имтиҳон куни белгиланган манзилга карантин қоидаларига риоя қилиб, хавфсизлигингизни таъминлаб, яхши кайфиятда ва ўз вақтида етиб келишингизни сўраймиз. Азиз ота-оналар ва яқинларингиздан имтиҳон кунлари уйда қолиб, имтиҳон жараёнларини онлайн кузатиб боришларини сўраймиз.

Кириш имтиҳонларининг ўтиш муддати, жадвали ва натижалари ҳамда ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавобларни <http://dsmi-qf.uz/> веб сайтидан, <https://t.me/uzdsmifmqabul20> телеграмм группасидан олишингиз, шунингдек atmdsmi@gmail.com электрон адресга ёки **+998735434630**, **+998735435011** ва **+998735435012** телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

Унутманг, фақат пухта тайёргарлик ва кучлим билим билангина талаба бўлиш бахтига муяссар бўлишингиз мумкин. Сизга ушбу синовлардан муваффақиятли ўтиб олишингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Хурмат билан,
**ЎзДСМИ Фарғона минтақавий
филиали директори:**

Ш.Ю.Усмонов